


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим стандарти. Асос қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

1. 60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи.....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1. 60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:	4
1.2. 60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1. 60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:	4
1.2.2. 60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:.....	5
1.2.3. 60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.	5
2. 60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	8
2.1. Умумий компетенциялар:.....	8
2.2. Касбий компетенциялар:.....	8
Библиографик маълумотлар	10
келишув варағи	11

1. 60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) – таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари ахборот технологиялари, рақамли иқтисодиёт жараёнларидаги фаолиятларини таъминлаш ҳамда ривожлантириш истиқболини белгилаш, турли тармоқ ва соҳаларнинг ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш, иқтисодий ва аналитик - таҳлилий хизматлар, ташкилотларда электрон ҳужжат айланиши, товар ишлаб чиқариш орқали давлат ва нодавлат корхоналар, ташкилотлар,

муассасалар, давлат бошқарув органларида комплекс масалаларни ечиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, илмий-тадқиқот марказлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий-тадқиқот ишларида иштирок этиш билан боғлиқ касбий соҳалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– рақамли иқтисодиётнинг иқтисодий устуворликларига жавоб берадиган иқтисодий активларнинг сифат жиҳатдан янги тузилмасини шакллантириш; ҳамда АКТ ва бошқа соҳаларидаги давлат ва нодавлат корхоналари, ташкилотлари, муассасаларининг бошқарув тизимида фаолият кўрсатиш;

– рақамли иқтисодиёт ютуқларини ҳисобга олган ҳолда саноат тармоқлари, савдо, хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва глобал рақамли маконни шакллантириш ва ривожлантиришда самарали ёндашувларни шакллантириш;

– Давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар(фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;

– Иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида ташкилот, корхона ва муассасалар самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш жараёнлари;

60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари умумий, ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, техникумларда педогогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

1.2.3. 60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- *ишлаб чиқариш соҳаси;*
- *ташкилий-бошқарув;*
- *молиявий-иқтисодий;*
- *ҳисоб, таҳлил ва назорат;*
- *илмий-тадқиқот;*
- *консалтинг хизмати фаолияти;*
- *педагогик (умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, техникумларда);*
- *тадбиркорлик.*

1.2.4. 60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига

мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ишлаб чиқариш фаолиятда:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш, намунавий бошқарув ва иқтисодий жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича рақамли иқтисодий фаолиятни рақамли иқтисодиётнинг технологияларини қўллаш орқали ривожлантириш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- ишлаб чиқариш жараёни сифатини бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш бўғини ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш.

Молиявий-иқтисодий фаолиятда:

- давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- рақамлаштириш соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш;
- молиявий ҳисобнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари;
- меҳнат бозорида кадрлар маркетинги тадқиқотларини ўтказиш;
- иқтисодиёт субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини қўллаш;
- иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш.

Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

- иқтисодий маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;
- мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;

- фаолият кўрсаткичиларнинг ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиш;
- молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;
- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш.

Илмий - тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиши;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиши;
- маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилади;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;
- илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш қобилиятларига эга бўлиш.
- иқтисод ва бошқарув соҳасида мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;
- тайёргарлик ихтисослигига мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш қобилиятларига эга бўлиши;
- илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш.

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- Иқтисодиёт ва АКТ, бизнес ва Э-бизнес ва тадбиркорлик ва IT-тадбиркорлик ҳамда бошқарув соҳасида мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;

- рақамли технологияларни жорий этиш асосида ташкилотни ўзгартириш стратегиясини ишлаб чиқишни аналитик таъминлаш;

илмий-тадқиқот фаолияти, Э-бизнес, интернет-маркетинг, э-реклама бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш.

Педагогик фаолиятида (умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, техникумларда):

– умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, техникумларда тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш.

Тадбиркорлик фаолиятида

- масофавий молиявий хизматларни амалга ошириш;
- инновацион хизматлар, интернет дўконларини ташкил қилиш;
- интернет иловалар ва бошқа хизматлар орқали интернетдан савдо қилиш хизматини ташкил қилиш тизимини яратиш;
- янги бизнес лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- рақамли шаклда бўлган янги маҳсулотлар яратиш;
- бизнесни ташкил қилиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. 60310500-Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

– давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий – иқтисодий муаммолар, табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисаларни мустақил таҳлил қила олиш;

– мамлакатимиз ривожланишига оид билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши, хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, иш фаолиятида қўллай олиши;

– Ахборот технологияларини ўз касбий фаолиятида қўллай олиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш, касб фаолиятида мустақил қарорлар чиқара олиши;

– дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

– Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний кадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

– инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- иқтисодиёт, бизнес ва тадбиркорлик ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва бошқа соҳаларидаги давлат ва нодавлат корхоналари, ташилотлари, муассасалари бўлинмаларининг иқтисодий ривожланиши учун қисқа муддатли башоратлар ишлаб чиқиши;
- иқтисодиёт, бизнес ва тадбиркорлик ҳамда АКТ ва бошқа соҳаларидаги давлат ва нодавлат корхоналари, ташилотлари, муассасаларининг бошқаруви тизимли ёндошув механизмларини тадбиқ этиши;
- иқтисодиёт, бизнес ва тадбиркорлик ҳамда АКТ соҳасини жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнини тадқиқот қилиши, баҳолаш ва таклифлар ишлаб чиқиши.
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиши ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиши кўникмаларига эга бўлиши;
- Музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориши ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиши;
- молиявий – иқтисодий таҳлил ва молиявий ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиши;
- корхона фаолиятини ривожлантиришида иқтисодий ва ижтимоий шароитларни баҳолаш, янги имкониятларни аниқлаш, корхонани ривожлантиришига оид янги бизнес моделларни ишлаб чиқиши;
- маълумотлар базасини таҳлил қилиши асосида олдиндан эришиши мумкин бўлган натижаларни башорат қилиши ва хулосалар чиқариши;
- иқтисодиёт, бизнес ва тадбиркорлик ҳамда АКТ ва бошқа соҳаларидаги давлат ва нодавлат корхоналари, ташилотлари, муассасаларининг бошқарув тизимида фаолият кўрсатиши;
- илмий-тадқиқот ташилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаши;
- умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, техникумларда иқтисодий ва бизнес ва тадбиркорликка оид фанлардан ўрнатилган тартибда дарс бериши;
- умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, техникумларда ва мактабдан ташиқари муассасаларда ишлаши;
- мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида фаолият олиб бориши.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, ахборот-коммуникация технологиялари режалаштириш, ташкил этиш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, молия бозорлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмалари, Web сервердан фойдаланиш, Web сайт бошқарувини ташкил қилиш ва тўловли Web сайтларни бошқариш, инвестицион лойиҳаларни иқтисодий баҳолаши ва иқтисодий таҳлилин бажариши; ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, статистика амалиётида қўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш, режалаштириш, ташкил этиш, бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, таълим жараёни, корхона ва ташкилотлар кўрсаткичларини таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари университети
Ректор в.б. Б.Махкамов

202__ йил «__»



Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ректор К.Шарипов

202__ йил «__»

М.Ў.



КЕЛИШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва инновация технологияларни
тадбиқ этиш маркази директори
Директор М.Эсонов

202__ йил «__»

М.Ў



Ўзбекистон Республикаси Ахборот
технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги Таълим
муассасалари фаолиятини
мувофиқлаштириш ва соҳа
кадрларини тайёрлаш, қайта
тайёрлаш бўлими бош мутахассиси

Х. Собиров

202__ йил «__»

М.Ў



АТ "АЛОКАБАНК"

Бошқарув раиси К.Ирисбекова

202__ йил «__»

М.Ў.



"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК

Бош директор Н.Хасанов

202__ йил «__»

М.Ў.

